

**SCIENCE
PROBLEMS.UZ**

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

**Ijtimoiy-gumanitar
fanlarning dolzARB
muammolari**

Jild 3, Son 12/2

2023

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 12/2 (3)-2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2023

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Укташ Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Раја Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойкулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўкташович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Ҳатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Ҳамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б., Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яҳшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукахаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шуҳрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салаҳутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Ҳуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси

Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Файбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амирнов Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судъялар олий кенгаси хузуридаги Судъялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич - юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Диљдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент аҳборот технологиялари университети хузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари** электрон журнали
1368-сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.
Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"
масъулияти чекланган жамият.

Тайланова Шохида Зайниневна - педагогика фанлари доктори, доцент.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Марҳабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насридин Атакулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com

Телеграм канал:

https://t.me/scienceproblems_uz

МУНДАРИЖА

10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

<i>Axmedov Oybek Saparbaevich</i>	
ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА СОЛИҚ-БОЖХОНА ТЕРМИНОЛОГИЯСИДА АНТОНИМИЯ ҲОДИСАСИНИНГ ЎРНИ.....	10-18
<i>Nematova Maftuna</i>	
ЛАКУНА И ТИПОЛОГИЯ ЛАКУН	19-24
<i>Hamroyeva Shahlo Mirdjonovna, Matyakubova Noila Shakirjonovna</i>	
MOSLASHTIRISH JARAYONIDA O'ZBEK VA INGLIZ TILIDAGI SODDA GAPLARNING SINTAKТИК TAHLILI.....	25-32
<i>Jo'rayeva Nilufar Sobirjon qizi</i>	
"SMILE" VA "TABASSUM" TUSHUNCHALARINING LINGVISTIK IFODASI (INGLIZ VA O'ZBEK TILLARI MISOLIDA)	33-38
<i>Sidiknazarova Zulfiya Mirsharapovna</i>	
BADIY TARJIMA TAHLILINING NAZARIY ASOSLARI	39-43
<i>Jumanova Shahnoza Ikromjonovna</i>	
IJTIMOIY – PSIXOLOGIK MOTIVNI ANGLATISHDA PEYZAJNING O'RNI	44-50
<i>Achilov Oybek Rustamovich</i>	
ILGAR SURISH VOSITALARINING BADIY ASAR SARLAVHASIDA TASNIFLANISHI VA O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI	51-57
<i>Axmedova Madinabonu Maxmudjonovna</i>	
XALQ NASRI JANRLARINING O'ZARO MUNOSABATLARI	58-62
<i>Isroilova Manzura Jamolovna</i>	
FRANSUZ KOMPARATIV FRAZEOLOGIZMLARINING USLUBIY XUSUSIYATLARI	63-68
<i>Кенжабоев Шокир Абдулхалимович</i>	
ОСОБОЕ МЕСТО В ИЗУЧЕНИИ И РАЗВИТИИ МЕТОДИКИ ПРЕПОДАВАНИЯ ИНОСТРАННОГО ЯЗЫКА В ШКОЛАХ УЗБЕКИСТАНА	69-74
<i>Fayziyev Bahodir Baxshullayevich</i>	
J. K. ROULINGNING "GARRI POTTER VA AFSONAVIY TOSH" ASARIDAGI TO'QIMA NOMLAR VA REALIYALAR HAMDA ULARNING RUS VA O'ZBEK TILLARIGA TARJIMASI	75-79
<i>Mamatqulova Shoxsanam Isroil qizi</i>	
OLAMNING O'ZBEK LISONIY TASVIRIDA "FIDOIYLIK" KATEGORIYASI	80-84
<i>Тухтаева Фарида Исматуллаевна</i>	
ИССЛЕДОВАНИЕ СТЕРЕОТИПОВ РОМАНАХ ПЕРЛ БАК	85-90
<i>Radjabova Dildora Raximovna</i>	
PIRIMQUL QODIROVNING "YULDUZLI TUNLAR" ASARI INGLIZCHA TARJIMASIDA BOBUR PSIXOLOGIYASI	91-96
<i>Mansurova Shohista Ismailovna</i>	
BADIY TARJIMANING MAQSADI, VAZIFALARI VA TARJIMA METODLARI	97-102
<i>Ermatov Ixtiyor</i>	
SIRDARYO VILOYATI TOPONIMLARI.....	103-108

<i>Axmedjanova Farida Djavairovna</i>	
GRAMMAR INSTRUCTION IN COMMUNICATIVE LANGUAGE TEACHING	109-114
<i>Saitov Suxrob Djumaydillayevich</i>	
ARTISTIC INTERPRETATION AND RESOLUTION OF HUMAN TRAGEDIES IN THE STORY	115-119
<i>Tўрабоева Ҳакима Усмонжон қизи</i>	
ФИРДАВСИЙ ДАҲОСИГА МЕХР	120-124
<i>Toshpo'latova Xusniya Mamayusub qizi, Normamatov Farrux Komiljon o'g'li</i>	
INGLIZ REKLAMA SHIIDLARI TARJIMASI JARAYONIDA	
SHAKL VA MA'NO MUVOFIQLIGI	125-129
<i>Abdumannonov Xojsiakbar Akmaljon ugli</i>	
ОСВЕЩЕНИЕ ФРАЗЕОЛОГИИ В СВЕТЕ НАУЧНОЙ ЛИТЕРАТУРЫ (краткий обзор на примере учебных пособий и словарей узбекского языка)	130-136
<i>Abdullaeva Raъno Xikmatovna</i>	
РЕПРЕЗЕНТАЦИЯ КОНЦЕПТА «ДРУГ/ДРУЖБА» В РУССКОЙ И УЗБЕКСКОЙ ПОСЛОВИЧНОЙ ЯЗЫКОВОЙ КАРТИНЕ МИРА	137-144
<i>Hamidova Sayyora Nurmatovna</i>	
TILSHUNOSLIKNI MENTALINGVISTIK BOSQICHIDA KOGNITIV TADQIQOTLAR.....	145-151
<i>Rustamova Dilrabohon</i>	
ATAMALAR LUG'ATINING UMUMIY VA FARQLI TOMONLARI	152-157
<i>Khazratqulova Ozoda Abduganiyevna</i>	
EXPRESSION OF THE CONCEPT OF FORGIVENESS IN LEXICOGRAPHIC SOURCES AND ARTISTIC LITERATURE	158-162
<i>Farmonov Nurbek Pulatovich</i>	
WEB OF SCIENCE MA'LUMOTLAR TIZIMIDAN FOYDALANISH	163-169
<i>Xojiyeva Oynisa Shabonovna</i>	
ALISHER NAVOIY ASARLARIDA TURKIY XALQLAR MAQOLLARINING AKS ETISHI	170-176
<i>Norqobilov Sanjar Rahmat ugli</i>	
COMPARING COMPUTATIONAL LINGUISTICS APPROACHES ACROSS LANGUAGES	177-182
<i>Mamarasulova Iroda Jumanovna, Xojimetov Sa'dulla Jumanazarovich</i>	
ANGLIYA UYG'ONISH DAVRI ADABIYOTI	183-190
<i>Xo'jamqulov Anvar Jozilovich</i>	
OMON MUXTOR ROMANLARIDA POETIK USLUB QIRRALARI	191-196
12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР	
<i>Кутыбаева Елизавета Дүйсенбаевна, Аманиязова Света Байнязовна</i>	
ВОПРОСЫ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ОРГАНИЗАЦИИ И ФУНКЦИОНИРОВАНИЯ СИСТЕМЫ ОРГАНОВ ИСПОЛНИТЕЛЬНОЙ ВЛАСТИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН	197-203
<i>Mirzaabdullaeva Matluba Rustamovna</i>	
СУВДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ ВА СУВ ИСТЕМЛЧИСИ ТУШУНЧАЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АҲАМИЯТИ ХУСУСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР	204-209
<i>Toshkanov Nurbek Bahriiddinovich</i>	
BILIMLAR IQTISODIYOTI VA INTELLEKTUAL MULK: TIJORATLASHTIRISHNING BA'ZI HUQUQIY JIHATLARI VA MUAMMOLARI	210-216

<i>Nishonov Abdulloh Ubaydulloh o'g'li</i>	
ATOM ENERGIYASINI JOYLASHTIRISHNING XALQARO EKOLOGIK TALABLARI	217-223
13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ	
<i>Javliyeva Shaxnoza Baxodirovna</i>	
OLIY TA'LIM MUASSALARIDA TA'LIM SIFATINI OSHIRISHNING PEDAGOGIK SHART- SHAROITLARI	224-228
<i>Sadullayeva Shahlo Azimbayevna, Parmankulov Farxodjon Nurali o'g'li</i>	
TYUTORLAR ISH JARAYONIGA RAQAMLI TEXNOLOGIYALARINI TATBIQ ETISH METODIKASI	229-233
<i>Pirimova Nargiza Adilovna</i>	
SPORT-TAYYORGARLIK MASHG'ULOTLARIDA BALANDLIKKA SAKROVCHI QIZLARNING O'QUV-MASHG'ULOT JARAYONLARINI TAKOMILLASHTIRISH	234-239
<i>Tangirqulov Elmurod Aliyarovich</i>	
BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHILARIDA ATROF-MUHITNI ASRASH ORQALI EKOLOGIK TARBIYA BERISH MEXANIZMLARINI TAKOMILLASHTIRISHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI VA "YASHIL MAKON" MODULLARI	240-244
<i>Xayrov Rasim Zolimxon o'g'li</i>	
BO'LAJAK TASVIRIY SAN'AT O'QITUVCHILARINING KASBIY-METODIK TAYYORGARLIGINI TAKOMILLASHTIRISHDA TA'LIM TEXNOLOGIYALARINING QO'LLANILISHI	245-258
<i>Ahmadjonova Odina Anvarjon qizi</i>	
ZAMONAVIY TA'LIM MUHITIDA INGLIZ TILI DARSLARIDA STEAM TA'LIM TEXNOLOGIYASIDAN FOYDALANISHNING AHAMIYATI: STEAM KOMPETENSIYALAR TUSHUNCHASI	259-265
<i>Valieva Xolida</i>	
AJDODLAR MEROSI - INSONIYAT BOYLDI	266-271
<i>Djumayeva Dildora Isroilovna</i>	
BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHILARIDA EKOLOGIK MADANIYATNI SHAKLLANTRISHNING PEDAGOGIK-PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI	272-277
<i>Davlatova Nilufar Vosiljonovna</i>	
TA'LIM-ISSLAB CHIQARISH INTEGRATSİYASINI KUCHAYTIRISHDA ZAMONAVIY TA'LIMNING O'RNI VA MOLIYALASHTIRISH MEXANIZMLARI	278-285
<i>Mamaraimova Zebo Shafoatovna</i>	
YUQORI SINF O'QUVCHILARINI OILAVIY HAYOTGA TAYYORLASHNING PEDAGOGIK TAMOYILLARI	286-290
<i>Turayev Yolqin Sherzod o'g'li</i>	
KATTA MAKTABGACHA TA'LIM YOSHDAGI BOLALARDA DALILY ASOSLASH KO'NIKMASINI SHAKLLANTIRISH YO'LLARI	291-295
<i>Abdurashulova Shoira Kushakovna</i>	
BO'LAJAK BOSHLANG'ICH SINF O'QITUVCHILARINING KASBIY KOMPETENTLILIGINI INTEGRATIV YONDASHUV ASOSIDA RIVOJLANTIRISH	296-305
<i>Sottarov Abduvali Umirkulovich</i>	
UMUMIY FIZIKA KURSINI O'QTISHDA NANOTEXNOLOGIYA FAN VA TEXNIKA SOHASI SIFATIDA	306-310

<i>Xushnazarova Ma'mura Nodirovna</i>	
VOLONTYORLIK FAOLIYATINIG IJTIMOIY-PEDAGOGIK MUAMMOLARI	311-315
<i>Xushvaqtov Umar Norqobilovich</i>	
AXBOROT TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANIB O'QUVCHILARDA IMPERATIV TAFAKKURNI RIVOJLANTIRISHDA KOMPETENSIYANING RO'LI	316-320
<i>Alimqulova Ra'noxon Gulmirzayevna</i>	
BO'LAJAK BOSHLANG'ICH SINF O'QITUVCHILARIDA NUTQ MADANIYATINI RIVOJLANTIRISHGA ZAMONAVIY YONDASHUVLAR	321-326
<i>No'monxonova Muattarxon Nosirxon qizi</i>	
BO'LAJAK TILSHUNOSLARDA KOMMUNIKATIV KOMPETENSIYALARINI SHAKLLANTIRISHDA AXBOROT TEXNOLOGIYALARKOMMUNIKATIV KOMPETENSIYALARINING AFZALLIKLARI VA KAMCHILIKLARI	327-331
<i>Xalikov Faroxidin</i>	
TA'LIM TIZIMIDA TESTOLOGIYADAN FOYDALANISHNING NAZARIY ASOSLARINI TAKOMILLASHTIRISH SAMARADORLIGI	332-339
<i>Abduvaxidov Xusan Abdulkulovich</i>	
OLIY TA'LIM TALABALARIDA INNOVATSION YONDASHUV ORQALI KOMPETENTSIYALARINI SHAKLLANTIRISH	340-345
<i>Якубова Нафиса Одилжановна</i>	
ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУССАСАЛАРИДА ЧИЗМАЧИЛИК ДАРСЛАРИДА ТАЛАБАЛАРНИ ИЖОДИЙ-КРЕАТИВ ФИКРЛАШГА ЎРГАТИШ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	346-354
<i>Karimov Qayum Mamashayevich</i>	
TALABALARNI KOMPYUTERLI MATEMATIKA TIZIMLARINING GRAFIK IMKONIYATIDAN FOYDALANISH BO'YICHA BILIMINI OSHIRISH	355-360
<i>Yusupova Shoxista Alimjanovna</i>	
TO'GARAK MASHG'ULOTLARI ORQALI TASVIRIY SAN'AT FANIGA ASOSLANGAN XOLDA O'QUVCHILAR IJODIY QOBILIYATINI RIVOJLANTIRISHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI	361-371
<i>Касимов Ойбек Омилович</i>	
СПОРТДА АХЛОҚИЙ ҚОИДАЛАР ВА "FAIR PLAY" НОРМАЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ ...	372-378
<i>Abduraxmonov Akbar Abduxamidovich</i>	
MILLIYLIK VA UMUMINSONIYLIK TAMOYILLARI UYG'UNLASHUVINING NAZARIY- METODOLOGIK JIHATLARI	379-386
<i>Фазлиддинов Шухрат Фахриддинович</i>	
ПРИМЕНЕНИЕ ИННОВАЦИОННЫХ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ТЕХНОЛОГИЙ НА ЗАНЯТИЯХ ПРИ ИЗУЧЕНИИ КАТЕГОРИИ РОДА ГЛАГОЛА В ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ВУЗАХ	387-394
<i>Jurayev Bobomurod Ramazonali o'g'li</i>	
TALABALARNING JISMONIY FAOLLIGINI OSHIRISH VA RIVOJLANTIRISH JARAYONINING SAMARADORLIK DARAJASI	395-400
<i>Eshbekova Gulabahor Zafarboyevna</i>	
MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARNING YOZISH KO'NIKMALARINI SHAKLLANTIRISH MUAMMOLARI	401-406

<i>Khidirova Malakhat Qazakhovna</i>	
ORGANIZATION AND EVALUATION OF THE EDUCATIONAL PROCESS BASED ON EUTAGOGICAL APPROACHES	407-413
<i>Fayzullayeva Madina Abdumo'min qizi, Xolbo'tayeva Moxinur Temurboy qizi</i>	
MENEJMENT SOHASINI O'QITISHDA RAQAMLI TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH	414-420
<i>Achilov Nuriddin Abdugafforovich</i>	
AL-HAKIM AT-TERMIZIY TA'LIMOTINING ILMIY TADQIQI	421-426
<i>Norinov Muxammadyunus Usibjonovich</i>	
JAMIYAT TARAQQIYOTIDA BO'LAJAK MUHANDISLARNING KASBIY KOMPETENSIYALARINI TAKOMILLASHTIRISHNING AHAMIYATI	427-432
<i>Begimqulov Zarif Axmadovich</i>	
JISMONIY TARBIYA YO'RIQCHISINING IJTIMOIY-MADANIY KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISHDA MALAKA OSHIRISH JARAYONINING AHAMIYATI	433-438
<i>Izbosarova Zuxro Anatoliy qizi</i>	
BO'LAJAK BOShLANG'ICH SINF O'QITUVCHILARINING KOMMUNIKATIV KO'NIKMALARINI RIVOJLANTIRISH SAMARADORLIGI	439-443
<i>Jumayev Sirojiddin Zafarovich</i>	
MOLEKULYAR BIOLOGIYADAN OQSILLARNING AMINOKISLOTA TARKIBI VA AMINOKISLOTALARNING TASNIFI MAVZUSINI O'QITISHDA MASALA VA MASHQLARDAN FOYDALANISH	444-449
<i>Pulatova Muxabbat Egamberdiyevna</i>	
BOSHLANG'ICH SINF O'QITUVCHILARIDA INNOVATSION KOMPETENSIYANI RIVOJLANTIRISHNING PEDAGOGIK-PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI	450-457
<i>Yuldashev Mengali Ziyaduloyevich</i>	
BOSHLANG'ICH SINF O'QITUVCHILARIDA MUSTAQIL ISHLASH KOMPITENSIYALARINI RIVOJLANTIRISH	458-463

Axmedov Oybek Saparbaevich
Filologiya fanlari doktori, O'zbekiston
davlat jahon tillari universiteti professori

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА СОЛИҚ-БОЖХОНА ТЕРМИНОЛОГИЯСИДА АНТОНИМИЯ ҲОДИСАСИННИГ ЎРНИ

Аннотация. Ушбу мақола инглиз ва ўзбек тилларида солиқ-божхона терминологиясидаги антонимия ҳодисасига бағишиланган. Мақолада антонимларнинг турлари контрап, контрадиктив, градуал, комплементар антонимлар ҳақида сўз боради ва улар классификация қилиниб таҳдиллга тортилган. Шунингдек, антонимик терминларнинг корреляцион муносабатлари лисоний воситалар орқали ўз ифодасини топиши амалий мисоллар билан ёритилган.

Калит сўзлар: Антоним терминлар, лексико-семантические особенности, терминологическая система, налогово-таможенные термины, корреляционные связи.

Axmedov Oybek Saparbaevich
DSc in philology, professor of UzSWLU

THE ROLE OF ANONYMY IN TAX-CUSTOM TERMINOLOGY IN ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES

Annotation. This article is devoted to the phenomenon of antonymy in tax-customs terminology in English and Uzbek languages. The article reflects about the types of antonyms, contrarian, contradictory, gradual, complementary antonyms and they are classified and analyzed thoroughly. As well as the correlative relationship of antonymic terms is illustrated by practical examples.

Key words: Antonym terms, lexical-semantic features, terminological system, tax and customs terms, correlation relationship.

Ахмедов Ойбек Сапарбаевич
Доктор филологических наук, профессор
университета мировых языков Узбекистана
+998946187802

РОЛЬ АНТОНИМИИ В НАЛОГОВО-ТАМОЖЕННОЙ ТЕРМИНОЛОГИИ НА АНГЛИЙСКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ

Аннотация. Данная статья посвящена явлению антонимиев в налогово-таможенной терминологии английского и узбекского языков. В статье говорится о видах антонимов: противоположные, противоречивые, постепенные, дополнительные, их классифицируют и анализируют. Также коррелятивные отношения антонимических терминов выражаются языковыми средствами с практическими примерами.

Ключевые слова: термины-антонимы, лексико-семантические особенности, терминологическая система, налоговые и таможенные термины, корреляционные связи.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V3I12.2Y2023N01>

Билиш жараёнида нарса ва ҳодиса, ҳаракат-ҳолат, белги ва хусусиятни бирбирига зидлаш, уларнинг ўзаро ўхшаш ва фарқли томонларини қиёслаб аниқлаш катта аҳамиятга эга. Шу маънода бутун билиш фаолиятимиз зидланишга, яъни, антонимик жараёнга асосланган бўлиб, бирор нарсани айтишимиз билан унинг зидди хаёлимизга келади.

СБ¹ терминологиясида антонимик терминлар умумадабий тил лексемалари сифатида қўлланади ва қатъий тизимли ҳодиса сифатида намоён бўлади. Инглиз тили СБ терминологик тизимида антонимия ҳодисаси интралингвистик ва экстралингвистик омиллар асосида кенг тарқалган. Аксарият тадқиқотчилар, «илмий тил антонимияси умумадабий тилда учрайдиган антонимиядан кескин фарқ қиласлиги, аксинча, терминологик тизимларда умумадабий тилга нисбатан кенг тарқалганини таъкидлайдилар» Жумладан, В.П. Даниленко: “Антонимиянинг терминологияда ривожланиши маҳсус бўлмаган лексикага нисбатан фаолдир”, - деган фикрни билдиради [1; 79].

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, умумадабий лексиканинг мулоқот қамрови кенг бўлгани билан маҳсус лексикада антонимиянинг ривожланиши ва фаол қўлланиши нисбатан чекланган. Маҳсус лексика таркибидаги антонимия умумадабий тилдаги каби у ёки бу тарзда эмотив-экспрессив ва стилистик хусусиятларини назардан четда қолдирмаган ҳолда семантик гуруҳларга бўлинмайди.

Антонимик терминларнинг ўзига хос жиҳати, соҳа тушунчаларини ифодалаш жараёнида вариантилийк нисбатан кам бўлиб, айрим антоним терминларнинг муқобили деярли мавжуд эмас. Мазкур ҳодисани Л.А. Новиков қуйидагича изоҳлайди: «Антонимик бирликлар лексик-семантик жиҳатдан қарама-қарши муносабатда бўлган ҳолда, парадигматик ва синтагматик жиҳатдан ягона дифференцияловчи белги орқали фарқланади» [2; 58 - 61]. Масалан: *expansion* (кенгай (тип) иш) – *reduction* (қисқар (тип) иш) антонимларига «кенгаймаслик» ва «қисқармаслик» белгилари орқали қарама-қарши туриши билан ифодаланади. Шундан келиб чиқиб, антонимларнинг бири иккинчисини инкор этиш хусусиятига эга дейиш ўринли, албатта. Мақолада антонимияни Е.А.Федорченконинг «контрап, контрадиктив, градуал, комплементар» классификациясидан [3; 91]. фойдаланган ҳолда уларни турларга ажратиб таҳлил қилдик. Бунда СБ терминологик бирликларининг лексик-семантик хусусиятлари ўзаро зид муносабатларни ифодаловчи категория сифатида қаралди.

СБ терминларининг антонимик белгилари, уларнинг корреляцион муносабатлари лисоний воситалар орқали ўз ифодасини топади. Инглиз тили СБ терминологиясини ташкил қилган антонимик терминларнинг аксарияти якка компонентли: *income* – *expense*; *valueable* – *invaluable*; *surtax* – *preference*; *control* – *uncontrol*, айримлари сўз бирикма шаклида: *tax avoidance* – *decent tax payer*; *paid duties* – *unpaid duties*; *direct taxes* – *indirect taxes* эканлиги кузатилди. Бирикмали антоним терминлар асосан атрибутив бирикмалар бўлиб, улар инглиз тилида ўзак-негиз таркибидан иборат.

Бу хил терминларнинг аксарияти умум-ўзак хусусиятига эга бўлган терминлар

¹Мақолада СБ қискартмаси “Солиқ ва божхона” маъносида кенг қўлланилди.

сифатида сўз негизига СБ соҳасининг ихтисослик таянч компонентини бириттиради, миқдор жиҳатдан устунликка эга бўлган жуфт оппозицион сифат терминлар номинативлик сари ўзгариб боради: Масалан, **инглиз тилида:** *valid – invalid; taxing – taxless; taxable – untaxable; profitable-unprofitable; fairness – fairless* ва б.

Бу каби терминларни ўзбек тили СБ терминологиясида ҳам кузатиш мумкин. Масалан: *солиқقا тортиладиган* – *солиқقا тортилмайдиган*; *бевосита солиқлар* – *билвосита солиқлар*; *тўланган бож* – *тўланмаган бож*; *солиқларни тўлашдан қочиши* – *солиқларни ўз вақтида тўлаш* ва б.

Инглиз тилида ясама антонимик терминлар семантикасидаги зидликни ва инкорни ифода этувчи аффикслар баъзи сўзларнинг олд томонида, айримларининг эса орқа томонида иштирок этса, ўзбек тилида улар соҳа терминларининг фақат орқа томонида қатнашиб келиши билан фарқ қиласди: *яроқли – яроқсиз; божли – божсиз; солиқقا тортиладиган – солиқقا тортилмайдиган; даромадли – даромадсиз; адолатли – адолатсиз*.

Жуфт оппозицион сифат терминлар терминологик тизимда фаол қўлланилувчи ўзакдош ясама терминлар ҳисобланади. Улардаги мантиқий зидлик муносабати муайян аффикслар орқали юзага чиқади, яъни аффиксал антонимия намоён бўлади. Бундай терминларнинг ифода этилиши эса ўзга семантик маъно орқали талқин қилинади. Сўзларнинг ўзаро антоним эканини аниқлаш учун улар ўртасидаги умумий белгиларни топиш мухимdir. Ана шундай умумий белгилардан бири антоним жуфтлик ҳосил қилувчи икки сўз ўртасида оралиқ тушунчанинг мавжуд бўлишидир. Бундай оралиқ тушунча икки антонимик қутб ўртасида мавжуд бўлиб, уларни мантиқий жиҳатдан боғлаб туради. Бу турдаги антонимлар *контрар антонимлар* дейилади. Бундай турдаги терминлар рус тилидаги сингари инглиз ва ўзбек тилида ҳам инкорнинг бир маънолилик муносабатини ўзида акс эттиради». Бироқ, улар ўртасида оралиқ тушунча мавжуд. Масалан, *light tax burden* – *енгил солиқ юки*, *heavy tax burden* – *оғир солиқ юки*. Уларнинг ўртасидаги оралиқ тушунча **medium tax burden** – **ўрта даражадаги солиқ юки** термини билан ифодаланмоқда.

Контрар антоним иштирок этган қўйидаги жумлага эътибор берамиз:

Инглиз тилида: *Income tax can be progressive, proportional or regressive. The idea of a progressive tax is to take more from those who earn more* [4; 119].

Ўзбек тилида: *Даромад солиғи ўсувчи, камаювчи ва пропорционал* бўлиши мумкин. Ўсувчи солиқ турига қўра ким қанча қўп даромад қиласа, у шунча қўп солиқ тўйлайди.

Юқоридаги жумлада қўлланилган **ўсувчи, камаювчи** антонимлари ўртасидаги оралиқ тушунча **пропорционал** лексемаси орқали ифодаланмоқда.

Инглиз тили СБ терминологиясида бир ва турли хил ўзаклардан таркиб топган антонимик терминларни ҳам кузатишими мумкин. Масалан: *increase – decrease; import – export; minimum – maximum; gains – losses; expansion – curtailment; slump – recovery; taxable-nontaxable* ва ҳ.к.

Бундай ҳолатни ўзбек тили СБ терминологиясида ҳам кузатиш мумкин. Инглиз тилидан ўзбек тилига ўзлашган баъзи терминлар транслитерация орқали ифода этилиши мумкин. Жумладан: **импорт – экспорт; минимум – максимум; прогресс – регресс; юксалиш – пасайиш; даромадлар – зарарлар; кенгайиш – торайиш** ва б.

Қиёсланаётган тиллар СБ терминологик тизимида *slump - прогресс; recovery – регресс* антоним терминлари солиқ ва божхона органлари томонидан йиғиладиган солиқ ҳамда божлар ставкасининг ўсиши ва пасайишига нисбатан ишлатилади.

Келтирилган мисолларда терминларнинг зидлик маъноси бошқа лексема орқали берилмоқда, *increase-камайиш; decrease – қўтарилиш/ўсиш* терминлари солиқ ва божхона соҳасида ягона солиқ тўлови, у ёки бу омил орқали тўлаш маъносини ифода этади. *Gains – тушумлар; losses – зааралар* пул ёки маҳсулот шаклидаги фойда, тушум, даромадлар тушмаган харажатли даврни ифодалайди, *minimum – минимум; maximum – максимум* терминлари бирор-бир жараён ёки маблағнинг энг қўйи ва юқори даражасини англатади. Иқтисодиёт соҳасида бу терминлар фаол иштирок этади. Бирор-бир маҳсулот ёки фаолият тури кўлами ёки ҳажмининг кенгайиши ёхуд қисқаришига нисбатан қўлланилади. Инглиз тили СБ терминологик тизимида мазкур терминлар ўзига хос аҳамиятга эга. Улар оғзаки нутқ ва ёзма матнлар талқинида соҳа тушунчаларининг семантик зидлигини қўрсатувчи бирликлар ҳисобланади.

Инглиз ва ўзбек тили СБ терминологиясида анча кенг тарқалган антонимиянинг **контрадиктив** шаклидаги терминлар ҳам зид маъноли белгиларга асослангани кузатилади. Улар асосан бирикмали терминлар ҳисобланиб, уларда оралиқ тушунча мавжуд бўлмайди. Масалан, **инглиз тилида**: *hard prices – sliding prices; small debts – heavy debts; easy market – heavy market; soft money – hard money; fiat money – change money; weak currency – hard currency; light taxation – heavy taxation; heavy duty – low duty*.

Ўзбек тили СБ терминологиясида ҳам бундай типдаги терминлар кўпчиликни ташкил этади. Улар инглиз тилидаги сингари бирикмали терминлардир. Бироқ, уларнинг аксарияти туб сўзлардан эмас, балки префикс ва суффикслар ёрдамида ҳосил бўлган ясама терминлардир. Жумладан: **ўзбек тилида**: *барқарор нарх – беқарор нарх; қадрсиз валюта – қадрли валюта; молиявий сармоя – номолиявий сармоя; резидент шахс – норезидент шахс; мулкий муносабатлар – номулкий муносабатлар; пулли хизмат – бепул хизмат; расмий ҳужжат – норасмий ҳужжат; тижорат ташкилоти – нотижорат ташкилот; давлат ташкилоти-нодавлат ташкилоти; талаби чаққон бозор – талаби чаққон бўлмаган бозор; солиқ юкининг енгиллиги – солиқ юкининг оғирлиги; божнинг қўплиги – божнинг камлиги* ва ҳ.к.

Келтирилган олд ва орт сифат предлогли бирикмали терминлар лексик-семантик нуқтаи назардан ўзига хос мазмун касб этиб терминларда қарама-қаршиликни ифодалаб келмоқда. Бундай атрибутив антонимик терминларнинг семантик ўзгариши тармоқлараро концептуал структурага корреляцион ҳолда боғланган. Уларнинг таркибидаги биринчи компонент сифат билан от, иккинчиси эса от ва отлашган сўздан ташкил топган.

Антонимиянинг **контрадиктив** тури таркибидаги компонентларда зидлик белгиси мавжуд бўлса, яъни ўзаро қарама-қарши бўлган лексемалар бир-бирини инкор қиласа, бирикмада ўзгаришсиз қўлланган иккинчи компонент СБ терминологик тизимида бевосита дахлдор эканлиги ҳам кузатилади. Масалан, **инглиз тилида**: *honest/dishonest tax and customs employee; direct taxes/indirect taxes; crisis/anticrisis programme; interest/non - interest deposit; taxable/non-taxable; movable property/immovable property; resident tax payer/non-resident tax payer; private property/public property; tax payer/tax dodger, tax evader, tax avoider; valued/devalued*

currency ва б.

Бундай ҳолат ўзбек тили СБ терминологиясида ҳам кўзга ташланади. Айрим терминлар форс-тоҷик тилидан ўзлашган антоним терминлар ҳисобланади. **Ўзбек тилида: холис/нохолис солиқ ва божхона ходими; бевосита ва билвосита солиқлар; фоизли/фоизсиз депозит; қийматли/қийматсиз валюта; солиққа тортадиган/солиққа тортадиган; кўчар/кўчмас мулкка солинадиган солиқ** сингари терминлар шулар жумласидандир.

Кўринадики, чоғиштирилаётган тиллар СБ терминологик тизимида антонимиянинг контрадиктив тури кенг тарқалган бўлиб, улар ўз таркибида соҳага доир таянч концептларни бириктирган. Мухтасар қилиб айтганда, ўз таркибида сифат туркумини бириктирган антонимик терминлар соҳа амалиётида фаол қўлланади.

Терминологик тизимда комплементар антонимик терминлар ҳам кенг тарқалган бўлиб, улар антонимиянинг салмоқли қисмини ташкил қиласди. Комплементар антонимик терминлар зидлик муносабатининг икки ёқлама хусусиятини акс эттириши билан характерланади. Улар асосан тасвирий тушунчаларни ифода этиб, семантик жиҳатдан бир-бирини тўлдиради. Бу типдаги антоним терминларда орадаги учинчи тушунча мавжуд бўлмайди. Масалан, **инглиз тилида:** *decent tax payer – tax avoider; budget deficiency – budget surplus; open account – close account; sale – purchase; delivered goods – fetched goods; passive balance – active balance; retail – wholesale; counter trade – foreign trade; internal audit – external audit; internal customs inspection – external customs inspection* ва бошқалар шулар жумласидан.

Юқорида келтирилган комплементар антонимик СБ терминларининг ўзак асосидаги контрастлик белгиси зиддий муносабатларни ўзида акс эттироқда. Инглиз тилида комплементар антоним терминлар муайян фаолият жараёнининг қарама-қаршилик муносабатини аниқ белгилар орқали ифода этиб, асос сўзниг лексик-семантик хусусияти турлича талқин қилинмоқда.

Ўзбек тили СБ лексикасида ҳам комплементар антонимлар кенг тарқалган бўлиб, улар тузилиш жиҳатдан инглиз тилидаги терминларга ўхшаб кетади. Қуйидаги мисолларда терминлар таркибида ўзаро семантик зидликни комплементар антонимик терминлар орқали ифода этилиб терминларнинг икки ёқлама дифференциал нуқтасини кўрсатишга хизмат қиласди. Жумладан, **ўзбек тилида:** *чакана савдо – улгуржи савдо; ички савдо – ташқи савдо; божхонадаги ички текширув – божхонадаги ташқи текширув; сотув – харид; солиқ боқимандаси – маданиятли солиқ тўловчи; бюджет тақчиллиги – бюджетнинг ошиши; даромад – харажат; мувофиқлик – номувофиқлик; нўноқ одам – ишбилармон одам ва х.*

Инглиз ва ўзбек тили СБ терминологик тизимида қўлланувчи антонимиянинг яна бир тури *градуал антонимик* бирликлардир. «Градуал антонимлар, градуаллик даражама-даража белгиланувчи сўзидан келиб чиқсан бўлиб, у ёки бу жараённинг узвийлик белгисидир», - деб ёзади, А. Новиков [5; 83–90]. Градуал антонимлар муайян жараён ва ҳодисанинг динамик кечиш жараёни босқичма-босқич амалга ошишини кўрсатади. Антонимиянинг мазкур турида асосан суффикс ва префикс, сўз ясовчи уялар орқали ясалган (ясама) бир ва кўп компонентли терминларни кўриш мумкин. Масалан, **инглиз тилида:** *payment – prepayment – extrapayment – overpayment; evaluation – devaluation – revaluation; inflation – stagflation – slumflation – reflation – hyperinflation –*

denomination – cost push inflation – demand pull inflation; normal taxation – one time taxation – double taxation – triple taxation каби терминлар шулар жумласидан.

Бундай терминларни ўзбек тили СБ терминологиясида ҳам кузатиш мумкин. Улар солиқ ва божхона соҳасида юз берадиган муайян жараён ёки воқеликнинг босқичмабосқич узвий муносабатини акс эттиради. Уларнинг айримлари инглиз тилидаги сингари бир компонентли бўлса, аксарияти кўп компонентлидир. Масалан, **ўзбек тилида:** *тўлов* – олдиндан *тўлов* – қўшишма *тўлов* – ортиқча *тўлов*; нарх қийматини олдиндан аниқлаш – нарх қийматини кейин аниқлаш – нарх қийматни қайта аниқлаш; пул бирлиги расмий даражасининг пасайиши – пулнинг қадрсизланиши – инфляциянинг турғун даври – инфляциянинг қулаш даври – инфляциянинг тикланиш даври – гиперинфляция (пул массаси ва товар нархининг кескин даражада ўсиб кетиши) – пул қийматини ўзгариши – ишлаб чиқариш харажатларининг ошиб кетиши билан боғлиқ инфляция – талабнинг ошиб кетиши билан боғлиқ инфляция; меъёрий солиққа тортиш – бир марталик солиққа тортиш – икки ёқлама солиққа тортиш (давлатлараро) – уч марталик солиққа тортиш – кўп марталик солиққа тортиш каби терминлар шулар қаторидан ўрин олади.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, инглиз ва ўзбек тили СБ терминологиясида кенг тарқалган гипонимик муносабатларни В.А.Гречко таъкидлаганидек: “антонимик муносабатлар билан ёндош бўлган ҳодиса” – деб изоҳлаш маъқул эмас [6; 21 - 22].

Терминологияда гипонимик муносабатлар жинс-тур муносабатларида акс этиб, жинс тушунчасини ифодаловчи термин *гипероним*, тур тушунчасини ифодаловчи термин эса *гипоним* ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, соҳа терминологиясида асосий термин ҳисобланган гиперонимга кўп ҳолларда кўп компонентли терминларнинг гипонимик муносабатда бўлиши кузатилади. Бунинг амалий исботи учун қуйидаги мисолни келтирамиз:

	Гипероним (жинс)	Гипонимлар (турлар)
	state duty – давлат божи	
	retaliatory duty – жазовий бож	
Duty	arbitration duty – арбитраж божи	
	reimbursement of customs duty –	
	божхона қоплама божи	
	export duty – экспорт божи	
	preferential duty – имтиёзли бож	

Инглизча *duty* – “бож” ва *levy* – “йиғим” терминлари аслида комплементар антонимик ўзак асосида контрастлик белгисига эга. Зоҳиран қаралганда, улар ўзар маънодошдай туюлади. Чунки, ҳар иккаласи ҳам давлат органлари томонидан пул шаклида ундириладиган мажбурий йиғим маъносини ифодалайди. Мазкур терминлар таржимада бир-бирининг лексик-семантик мазмунини қисман ифода этса-да, баъзан мулоқот жараёнида вазият талабига мос тарзда, *duty* терминининг адекватлигини *levy* тўлалигича таъминлай олмайди. Бунинг сабаби, *duty* божхонада олиб ўтилаётган импорт маҳсулотларидан мажбурий шаклда олинадиган йиғим бўлса, *levy* эса фақат кўрсатилган хизматлар учун ундириладиган йиғимдир. Мазкур СБ терминларининг

инглиз ва ўзбек тилларида қўлланиш ҳолат:

Инглиз тилида: *We suggest removing customs duty on import of high-tech equipment that does not have equivalents manufactured in Canada or have significantly higher specifications [7; 132].*

Ўзбек тилида: Канадада муқобил варианти ишлаб чиқарилмайдиган сифатли технологик жиҳозларнинг импорти учун божс тўламасликни таклиф қиласиз.

Ўзбек тилидаги икки компонентли **импорт божси** бирикмали термин инглиз тилида **customs duty on import** тарзида тўрт компонентдан таркиб топган термин орқали ифодаланмоқда. Аслида уни **import duty** шаклида бериш ҳам мумкин. Агар бундай йўл тутилса қиёсланаётган тиллар СБ терминларининг лексик-семантик жиҳатдан адекватлигига эришиш қуйидагича таъминланган бўлар эди.

Инглиз тилида: *The growth in volumes sold to Belarus was offset by a more significant reduction of volumes sold to Ukraine, a less profitable CIS market due to the applicability of export customs duty [8; 59].*

Ўзбек тилида: Белоруссияга сотилган молларни етказиб бериш ҳажмининг ўсиши Украинага етказилган, **божхона божси** олинадиган, даромади кам бўлган нефтни қайтариш ҳисобидан қопланди.

Демак, инглизча кўп компонентли терминларни ўзбек тилига таржима қилишда солиқ амалиётида мавжуд усувларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, имкон қадар ихчамликка эришиш муҳимdir. Айрим ҳолларда шаклий ихчамликни таъминлаш имкони мавжуд бўлмаса, истисно тарзида таржимада терминни бир неча сўз билан ифодалаш ҳам мумкин. Бундай ҳолларда семантик мосликка эътибор қаратилади.

СБ соҳасидаги градуал антоним терминларнинг таркибий тузилиши, семантико-функционал хусусиятларини таҳлил қилиш муайян жараённинг “боши”, “ўсиши/ривожланиши” “чегараси/охир” каби муҳим нуқталарни акс эттириш мумкинлигини кўрсатди. Жумладан, инглиз ва ўзбек тили солиқ ва божхона соҳалари амалиётида кўп қўлланадиган “report” – “ҳисобот”нинг шундай терминлар сирасидан ўрин олганини кузатамиз.

Инглиз тилида: “*daily report – weekly report – monthly report – quarterly report – semi-annual report – annual report*” ва б.

Интеграл хусусиятга эга бундай инглизча терминларнинг ўзбекча муқобиллари қуйидагича талқин этилади.

Ўзбек тилида: “*кунлик ҳисобот – ҳафталик ҳисобот – ойлик ҳисобот – чораклик ҳисобот – ярим йиллик ҳисобот – йиллик ҳисобот*” ва ҳ.к. Мисолларга мурожаат қиласиз:

The Board considers and determines the monetary policy, normative acts, *annual report*, the procedure of issuing new specimen and denominations of currency, and the procedure for withdrawal of banknotes and coins from circulation [9; 451]. – *Бошқарма пул кредит сиёсатини, меъёрий далолатномаларни, йиллик ҳисоботларни, банкнот ва тангалар янги намуналарининг чиқиши тартиби ҳамда пул белгилари номиналларини муомаладан чиқиши тартибини кўриб чиқади ва аниқлайди.*

Градуал антоним ҳисобланган *credit* – кредит, қарз терминига дикқат қиласиз.

Инглиз тилида: *short term credit – long term credit – without limit term credit – overterm credit* ва ҳ.

Ўзбек тилида бу каби терминлар инглиз тилидаги каби аналогик шаклда талқин

қилинади: қисқа муддатли кредит, (қарз) – узоқ муддатли кредит – муддати чекланмаган кредит – қўшимча муддат билан берилган кредит ва б.

Кўринадики, бундай ҳолларда соҳа амалиётида қўлланилган термин жараён градуал (темпорал) муносабатининг босқичма-босқич давом этаётганини ифодалайди.

Инглиз ва ўзбек тили СБ терминологик тизимида бир таркибли терминлардан ташқари кўп таркибли терминлар ҳам мавжуд. Уларни мазкур соҳанинг камчилиги сифатида баҳолаш ҳамиша ҳам тўғри бўлавермайди. Чунки солиқ ва божларни ундиришдаги мулоқотнинг ўзига хослиги билан боғлиқ жараён терминларда акс этади. Ўзбек тилида бевосита ёхуд воситачи тил орқали ўзлашаётган СБ терминларининг мавжудлиги мазкур терминологик тизимнинг асосан ташқи ва ички имкониятлар ҳисобига янада бойиб, такомиллашиб бораётганини кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, инглиз ва ўзбек тили СБ терминологик тизимининг бойиши давомли жараён бўлиб, у бошқа терминологик тизимларда бўлгани каби ички ва ташқи омиллар ҳисобига амалга ошмоқда. Терминологик тизимнинг ички имкониятлар ҳисобига бойишида аффиксация, композиция, шунингдек, морфем, морфологик, лексик-семантик усуллардан унумли фойдаланилмоқда. Бу жараёнда фақат лексемаларгина эмас, балки турли лисоний бирикмаларнинг ном сифатида талқин этилиши СБ терминологик тизимининг бойишида алоҳида ўрин тутадиган хусусиятдир. Ташқи омиллар ҳисобига ўзлашган терминологик бирликлар аввал умумистеъмол сўзлар таркибида пайдо бўлиб, кейинчалик СБ терминлар таркибига кириши кузатилди. Ўзбек тили СБ терминологик тизимининг ташқи манбалар ҳисобига бойиши уч йўл билан амалга ошади:

Биринчи йўл, бошқа тилдаги терминни айнан ўзлаштириш;

Иккинчи йўл, тўлиқ калькалаш;

Учинчи йўл, ярим калькалаш.

СБ терминологик тизимида антонимик терминларнинг турлари анча кенг тарқалган. Антонимик терминларнинг қўлланилиши борасида мосликка ва ихчамликка эришиш йўлида амалга оширилаётган изланишлар фан тараққиёти ва ҳаёт тақозоси бўлиб, СБ терминологик тизимининг такомиллашувини таъминлайди.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Даниленко В.П. Русская терминология: опыт лингвистического описания. - М.: Наука, 1977. -234 с.
2. Даниленко В.П. Лингвистические требования к стандартизируемой терминологией//Терминология и норма.-М.: 1972.-128 с.
3. Федорченко Е.А.Становление и развитие терминологической лексики таможенного дела в русском языке:Дис...д - ра филол.наук.-М.: 2004.-278 с.
4. Любимцева С.Н. Английский язык для студентов финансово - экономических специальностей ВУЗов. -М.: 2004.- 328 с.
5. Новиков Л.А. Антонимия в русском языке. - М.:1973.-286 с.

6. Гречко В.А. Гиперонимы и гипонимы, и их функции в русском языке // Лексика. Терминология. вып. № 6.-Горький: 1977.- 182 с.
7. Королькович В.А., Королькович Ю.В. Англо-русский словарь живого финансово-экономического языка. -М.: 2003.-462 с.
8. Круглякова О.В. Русско – английский и англо – русский словарь таможенных терминов.-Владивосток: 2010. – 668 с.
9. Меленская Н. The Key to Business.-Т.: 2010.-Р. 295.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

Nº 12/2 (3) – 2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари**” электрон
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-
сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”
маъсулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яққасарой
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-

уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).